



РЕАЛИЯЛАР, МИЛЛИЙ ХОС СЎЗЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рауфов Миразиз Мустафакулович¹

¹ Тошкент давлат юридик университети
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси
e-mail: m.raufov@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813059>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

реалия, миллий хослик, трансформация, лексик ўрин алмаштириш, грамматик ўрин алмаштириш, эквивалентлик

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган миллий хос сўзлар – реалиялар ва уларнинг таржимасига бағишланган. Мақолада ҳар бир миллатга хос бўлган сўзлар билан боғлиқ таржима жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни қандай бартараф этиш йўллари келтириб ўтилган. Реалиялар таржимаси доирасида машҳур тилшунос олимларнинг фикр-малоҳазалари ҳам маълумот ўрнида келтирилган. Мисол тариқасида ўзбек-инглиз тилларида учрайдиган миллий хос сўзлар – реалияларнинг таърифи ҳамда таржимасига доир мисоллар берилган.

Кириш. Бадий таржимада аслият руҳини, мохиятини англаш, матндаги турли туман элементларнинг лексик, фразеологик, грамматик, фонетик функцияларини тушуниб етиш, таржима тилида уларга ҳар томонлама мос муқобиллар топиш ғоят кўп қамровли ва мураккаб жараёндир. Бунда Л.С. Бархударов таъбири билан айтганда «икки турли хил тилларнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик муқобиллигини топиш муҳимдир».

Шу нуқтаи назардан фақат маълум халқ турмуш тарзига, дунёқарашига, нарса ва предметларни аташдаги ўзига хос хусусиятлар,

тушунчалар бошқа халқларникидан фарқ қилади. Бундай ўзига хосликлар шу халқнинг тафаккур қилиш шакли, хатти-харакатлари, кийиниш русумлари, овқатланишлари, урф-одатлари ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Натижада фақат шу халққа тегишли бўлган турли хил тушунчаларни ифодаловчи сўзлар вужудга келадик, бу сўзлар англатган тушунчалар ўзга халқлар тилида мавжуд бўлмайди. Тилшуносликда, таржимашуносликда бундай сўзларни «реалиялар», «хос сўзлар» деб аташ қабул қилинган.



«realis» сўзи аслида лотинча средний род кўпликдаги «realia» сўздан олинган бўлиб, аслида «вещественный» - «ашёвий», «действительный» - «хақиқий» деган маъноларни англатган ва кейинчалик отга айланиб, миллий ўзига хос сўзни ифодаловчи атамага айланиб кетган.

Реалияларнинг аниқ таърифи, уларнинг «атама»лардан фарқи, бошқа тилларга таржима қилишдаги ўзига хосликлар, улар ифодалайдиган лексик, семантик, стилистик функциялар халигача тилшунос ва таржимашунос олимлар томонидан турлича талқин қилиниб келинапти. Реалиялар ифодалаган миллий ўзига хослик, уни таржималарда бериш масаласи рус ва ўзбек олимларининг кўплаб илмий тадқиқотларига мавзу бўлган. Реалия махаллий, миллий колоритни ифодаловчи сўз сифатида ва уларни таржималарда бериш илк бора ўтган асрнинг 50 йилларида рус олимларининг диққат эътиборини торта бошлади. 1952 йилда “Иностранные языке в школе” № 2 И Кашкиннинг «Ложный принцип и неприемлимые результаты» номли мақоласи чоп қилиниб, унда илк бора ўзга миллатга хос бўлган сўзлар ва уларнинг таржима тилида берилишига оид фикрлар билдирилади. Олимнинг фикрича “Миллий ўзига хос сўзларни таржима тилида аслият тилининг миллий руhini, хусусиятларини, шу сўз орқали берилган маълум миллат вакилларининг индивидуал, психологик хусусиятларини, бу хусусиятларни бадий матнда бераётган муаллиф услубини чуқур ўрганиш орқалигина тўлиқ ифодалаб бериш мумкин”

Бахс ва мунозара. Шундай қилиб, олимлар ўртасида хос сўзлар нималар орқали ифодаланиши мавзусида бахс бошланиб кетди. А. В. Федоровнинг фикрича “Миллий колорит миллат яшаётган ижтимоий турмуш билан боғлиқ бўлган персонаж образида, хатти харакатларида ўз аксини топади”. Л.Соболев ўз навбатида «асардаги хар бир персонаж ўзининг миллий қиёфасини фикрлашларида, хатти-харакатларида намоён қилади» деб таъкидлаб ўз мақоласида миллий колоритни ифодаловчи сўзни “реалия” атамаси билан изохлаган. Вл.Россельс эса хос сўзларни қамраб олувчи тил бирикларини янада кенгайтирганини кўрамиз: «Метафоралар, ўхшатишлар, эпитетлар, омонимлар, идиомалар, тропалар, мақол ва маталлар тил қонуниятлари асосида вужудга келган образли ибораларнинг барчаси миллий шаклда пайдо бўлади. Уларнинг мазмуни эса, асар персонажининг характерини, ўзига хосликларини ифодалайди».

М.Рильский эса миллий ўзига хосликнинг мухим компоненти сифатида асар персонаж қахрамони яшаётган замон, ижтимоий вазият, синфий тоифаси, индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлган персонаж тилини хам илгари суради.

Ўзбек олимаси Н. Владимированинг фикрича, миллий ўзига хослик қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. топонимик элементлар, анамастика доир маълум миллатга мансуб халқнинг материал ва маданий турмуш шароитини ифодаловчи сўзлар



2. аслиятнинг тилига оид хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмлар, эпитетлар, образли ўхшатишлар, каламбурлар, мақол ва нақллар
3. нутқ ритми ва оханги, тилдаги халқ фикрлаш тарзини ифодаловчи рухий холатини, хулқ атворини ифодаловчи морфологик, синтактик, фонетик воситалар

Аmmo юқоридаги тадқиқотларнинг барчасида «реалия» тушунчасининг мохияти махсус ўрганилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан Л.П.Соболев реалияларни “турмуш шароитига боғлиқ ва муайян бир тилда, жумладан бошқа тилларда ҳам эквивалентлари мавжуд бўлмаган бир миллатга мансуб сўз ва иборалар” деб атайди.

Вл.Россельс эса юқорида келтирилган мақоласида реалияларни маълум миллатга мансуб предмет ва ходисаларни номларини ифодаловчи сўзлар дея фикр билдиради. А. В. Федоровнинг юқорида зикр қилинган китобида эса реалиялар «соф махаллий предмет ёки ўзига хос махаллий тушунча ва улар бошқа тилларда муқобилларга эга бўлмаган сўзлар» дея талқин қилинади.

Реалиялар ҳақида Г. В. Черновнинг «К вопросу передачи безэквивалентный лексики при переводе советской публицистики на английский язык» (Уч. записки МГПИИЯ, т.XVI, М.1958) мақоласида, Т. В. Шатковнинг «Перевод русской безэквивалентной лексики на норвежский язык» номли номзодлик диссертацияда, А. В. Федоровнинг «Введение в теории перевода» (М.1953), Я. И. Рецкернинг «О закономерных соответствиях при переводе на родной язык» (Вопросы теории и методики уч.

перевода. М. 1950) каби мақолаларида ҳам реалиялар эквивалентсиз лексика сифатида атрофлича ўрганилган. 1958 йил эълон қилинган А. Е. Суприннинг «Экзотическая лексика» (филологические науки 1958, №2) номли мақоласида ва Вл. Россельснинг «О передаче национальной формы в художественном переводе» (Дружба народов, 1953 №5) мақолаларида реалиялар экзотик лексика сифатида таржимашунослик нуқтаи назардан ўрганилган.

А. Д. Швейцернинг «Перевод и лингвистика» (М.1973) асарида ҳам реалиялар эквивалентсиз лексика, экзотизм сифатида тадқиқ қилинган.

Е. М. Верещагин, В. Г. Костамаров, В. П. Берковларнинг тадқиқотларида эса реалияларга «иноязычные вкрапление» - «хорижий тилдан олинган бегона сўз» дея таъриф берилган. А. А. Реформатский эса реалияларни «варваризмлар» деб атаб, махсус атамалар сонини яна биттага оширган. А. М. Финкел эса реалия атамасини «локализм» сўзи билан алмаштиришни таклиф қилса, Левый «этнографизм» «бытовое слова» - (кундалик турмушда кўп ишлатиладиган сўз) атмаларини илгари суради. Шейман таърифидаги «этнокультуроведческая лексика» атамаси реалиялар ифодалаган маънога анча яқинлашгандек туюлади. И. И. Ревзин ва В. Ю. Розенцвейглар эса реалияларни лақунлар деб атаб, бир халқ тушунчасига мансуб бўлган, бошқа халқларда учрамайдиган тушунча номларини шу категорияга киритади.

В. П. Берков эса бошқа тилларда хос маънога эга бўлган сўзларни



алиенизмлар деб аташни таклиф қилади. 1976 йилда эълон қилинган Верцагин ва Костамаровларнинг тадқиқотларида реалиялар – фонли, коннотатив сўзлар деб талқин қилинади. Шундай қилиб, тадқиқотларда реалиялар эквивалентсиз лексика, экзотик лексика, хорижий тилдан олинган бегона сўз, варваризмлар, локализмлар, этнографизмлар, этнокультурологическая лексика, лақунлар каби атамалар билан атаб келинди ва уларга бошқа тилларда учрамайдиган предмет ва тушунчаларни ифодаловчи эквивалентсиз лексикалар билан бирга турли атамаларни, ундов сўз ва тақлидий сўзларни, мурожаатда ишлатиладиган сўзларни, адабий тил меъёрларидан ташқари ясалган сўзларни, кишиларнинг исму-шарифларини киритиш таклиф қилинди.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда реалиялар атамалар, эквивалентсиз лексика, экзотик лексика, бегона сўз (иноязычные вкрапление), варваризм, локализм, этнографизм, лакуна каби тушунчалар билан синоним сифатида ишлатилиб келинаётганлиги маълум бўлаяпти.

Масалан Л. П. Крысин хорижий тиллардан кириб келган сўзларни тадқиқ қилар экан, уларнинг барчасини экзотизм деб аташни таклиф қилади.

Экзотизмлар таърифи В. П. Берковнинг тадқиқотида аниқроқ ўз ифодасини топган. У экзотизмлар деб бир миллатга мансуб бўлган, турмуш шароитини, ижтимоий муносабатларни, табиат ходисаларини ифодаладиган,

бирок бошқа халқлар учун бегона сўзларни киритади ва бир миллатга мансуб бўлган хос сўзлар, яъни бошқа тиллар учун экзотик лексика хисобланадиган сўзлар маданий, иқтисодий, сиёсий алоқалар натижасида бошқа тилларга ўтиб қолиши ва йиллар ўтиши билан улар бу тилга сингиб кетади ва экзотик характерини йўқотади. Дарҳақиқат ўзбек тилига рус тили ва бевосита кириб келган инглизча грин – холл, уикенд, гудбай, хелло, футбол, воллейбол; французча будуар, лорнет, сюртук, журнал, фиакр ва хоказо сўзлар аллақачон ўзларининг экзотик даражасини йўқотиб, ўзлаштирма сўзларга айланган. Жуда кўп ҳолларда реалияларни эквивалентсиз лексиканинг компоненти сифатида талқин қилинганини кўрамыз. Масалан Т. В. Шатков эквивалентсиз лексикага қуйидагиларни киритади:

1. Исмлар ва миллий ўзига хос реалиялар: деворий газета, совхоз, колхоз

2. Экспрессив оттенкали миллий ўзига хос сўзлар (очи, уста, домишко, домище)

3. Кўчирма маъноли бошқа тил лексикасида учрамайдиган сўзлар (фронт (хозяйственный), тормозить (развитие) ва х.

Метод. Реалияларнинг эквивалентсиз лексика, экзотизм, варваризм, атамалардан фарқи болгар олимлари С. Влахов, С. Флоринларнинг тадқиқотида етарлича асослаб берилган. Олимларнинг фикрича, реалияларни дастлаб терминлардан (атамалардан) фарқлаш керак. Терминлар бошқа лексик бирликлардан фарқли ўлароқ



муайан бир тушунчани, предметларни, ходисалар номини ифодалаб, бир маъноли, синонимсиз кўпинча ўзлаштира сўзлардан ташкил топади. Айни пайтда бундай хусусиятлар реалаяларда ҳам мавжуд. А. Д. Швейцарнинг фикрича, шундай реалаялар мавжудки, уларни бир пайтнинг ўзида ҳам реалая ҳам термин деб аташ мумкин, хатто “термин - реалая” деган атама ҳам мавжуд. Бироқ улар ўртасида маълум маънода фарқлар ҳам мавжуд. Масалан реалая ҳам эквивалентсиз лексика хисоблансада, термин каби таржима тилида харқандай контекст ичида изохлавермайди. Масалан уикенд, грин –холл терминлари ўзлаштира сўзлар сифатида “дам олиш, хордиқ” “томошахона, ўйинхона” сўзлари билан изохлашиши мумкин. Термин миллий, тарихий, махаллий бўёқдорликка эга эмас ва одатда номинатив функцияни бажаради. Реалаялар эса махаллий, миллий колоритни ўзида акс эттириб бадий ифода воситаси сифатида ҳам фойдаланиладиган бир халқ тилига хос сўздир. Терминдан эса маълум бир миллатга мансубликни талаб қилиш мумкин эмас. У ифодалаган предмет ёки тушунча турли алоқалар воситасида бошқа тилларга осонгина ўтиши мумкин.

1958 йилда Г. В. Чернов реалаяларнинг терминлардан фарқи хақида қуйидагиларни таъкидлаган эди:

“Реалая ўзи вужудга келган тил қобиғида кенг ишлатилиши, аксинча бошқа тилларга ўтганда бегона сўз сифатида қабул қилиниши билан характерланади”.

Реалаялар хорижий аралашма (иноязычные вкрапления)лардан ҳам маълум жихатлари билан фарқ қилади. С. Влахов ва С. Флоринларнинг таъбирича, хорижий аралашма сўзлар муаллиф томонидан асарда ишлатилган хорижий сўзлардир. Улар одатда бегона тил ёзувида транслитерация усулида берилади ва матн ичида ёки матн остида изохланади. Масалан Э. Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз ” асарида “Salao” – омадсиз киши, “Que va!” – “йўғе”, “Santa Maria del Cobre” – “Кобралик мабуда аёл”, “galanos” – акула тури, calambre – томир тортиши, “Un espuelo de hueso” – суюк қадоғи, El Campeon – чемпион, “dentuso” – акула тури, “tiburon” – акула маъносидаги кўплаб испанча аралашмаларни кўрамиз. Муаллиф бундай хорижий сўзлардан персонаж характерини, образини очувчи стилистик воситалар сифатида фойдаланади ва кўриб турганимиздек реалаялардан фарқли ўлароқ таржима қилинади. Бироқ таржимонлар муаллиф услубини аниқлаш мақсадида уларни аслиятдагидек қолдириб матн остида изохлайдилар. Бундай сўзлар реалаялардан фарқли ўлароқ миллий колоритга эга эмаслар. Кўплаб тадқиқотчилар, шунингдек В. П. Берков реалаяларни “экзотик лексика”, А. А. Реформатский “варваризм”, Левый “бытовое слова”, Финкель «этнографизм», И. И. Резвин, В. Ю. Розенцвейг «пробел» (lacune) атамаларига синоним сифатида ишлатадилар. Назаримизда реалаяларни эквивалентсиз лексикадан фарқини алоҳида ўрганиш зарур. Эквивалентсиз лексика реалаяларнинг синоними сифатида Г. В. Чернов, Я. И. Рецкер, А. Д. Швейцар, Е. М. Верещагин ва



В. Г. Костоморов, А. А. Брагина, Л. С. Бархударов, В. Н. Крупновларнинг тадқиқотларида учрайди. Улар эквивалентсиз лексика деганда биринчи навбатда «бошқа тилда муқобили мавжуд бўлмаган» лексикани тушунадилар.

Мантиқан олиб қараганда, эквивалентсизликни таржимашуносликда шаклланган эквивалентлик назариясига биноан, Я. И. Рецкернинг таърифи бўйича хорижий лексикани таржима тилидаги тўлиқ (доимий), ситуатив, абсолют ва нисбий эквивалентларига нисбатан ўрганиш зарурдай туюлади. С. Влахов ва С. Флоринларнинг таъкидлашича, реалиялар ҳам эквивалентсиз лексика доирасига киради, бироқ айрим терминлар, ундов сўзлар, тақлидий овоз ўхшатишлар, қисқартма сўзлар, мурожаат шакллари, адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳолатлари эквивалентсиз лексика чегарасидан чиқиб кетади. Қолаверса реалия барча тилларга нисбатан ўзинининг реалиялик хусусиятини сақлайди, эквивалентсиз лексика эса икки тилнинг лексик бирликларига нисбатан ишлатилиши мумкин.

Натижа. Реалиялар ва уларни таржимада берилиши ўзбек олимлари томонидан ҳам атрофлича ўрганилган соҳа. Таржимашуносликнинг умумий масалаларига бағишланган Ғ. Саломовнинг қатор тадқиқотларида, Р. Дониёровнинг шу масалага оид мақоласида¹, Ю.Пўлатовнинг мақола ва номзодлик диссертациясида кўпроқ реалияларнинг рус тилидан ўзбек

тилига таржима қилинган асарларидаги лексик, стилистик функциясини ўрганишга асосий эътибор берилган бўлиб, реалияларнинг таржимада берилиши махсус ўрганилмаган. Бу масала илк бора К. Мусаевнинг «Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг стилистик муаммолари» (Самарқанд, 1967) номли номзодлик диссертациясида қисман ўрганилди. 1979 йилда ўзбек олимаси Р. Файзуллаева реалияларни немисчадан ўзбекчага, ўзбекчадан немис тилига ўгиришдаги ўзига хосликларга қўл урган илк тадқиқотчи бўлди. И. К. Мирзаевнинг «Проблемы передачи слов обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык» мавзусида ёқлаган номзодлик диссертацияси ва «Слова реалии и вопросы художественного перевода» (Самарқанд, 1982) номли ўқув қўлланмаси бу борадаги масалани атрофлича ва хартомонлама чуқур ўрганган тадқиқотчи бўлди. Олимнинг хар иккала тадқиқотида реалия ва бу борадаги илмий бахслар, реалияларнинг бошқа лисоний бирликлардан фарқи ва классификацияси, уларнинг лексик семантик экспрессив хусусиятлари, уларнинг ўзбек тилида берилиш усуллари кенг назарий ва амалий ҳулосаларга келинганки, таржимашуносликнинг бу жаҳасига қўл урган хар қандай тадқиқотчи учун улар назарий асослар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Олим рус ва хорижий олимларнинг бу борадаги фикрларини чуқур ўрганиб ва умумлаштириб реалияларга таъриф беради:



“Реалиялар маълум халққа мансуб бир маъноли сўз ва иборалар бўлиб, шу халқ тилидаги предметларни, тушунча ва ходиса номларини ифодалайди. Улар шу халқ тушунчасидаги географик, этнографик, адабий, материал ва маънавий ҳаётига оид, шунингдек маданий-маиший, ижтимоий-тарихий тушунчаларни ифодалайди.”

Илмий адабиётларда бир миллатга мансуб бўлган реалияларнинг ёки умуман хорижий сўзларнинг ўзга тилларга кўчиб қолиши биргина адабий алоқаларнинг, айниқса, таржиманинг ривожланишига боғлиқ эмас. Бу халқаро алоқаларнинг, сиёсий-тарихий, маданий воқеа ва ходисаларнинг ўзга халқлар дунёқарашига таъсири билан ҳам боғлиқ. Айнан шу туфайли масалан рус тили орқали ўзбек тилига, сиёсатга, динга, иқтисодга, фанга оид жуда кўплаб хорижий сўзлар, реалиялар сингиб кетган. Бу ўринда хорижий адабиётларнинг таржимаси орқали ўзбек китобхонларига кўпинча тушунарли бўлмаган, бошқа миллатларнинг турмушига, дунёқарашига хос бўлган кўплаб тушунчаларни ифодаловчи реалиялар кириб келаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай қилиб, таржимашуносликда ҳам реалиялар таржимаси ўзига хос йўналиши сифатида шакллана бошлади. Реалиялар таржимасида таржимонлар одатда икки хил қийинчиликка дуч келишади.

1. Таржима қилинаётган тилда хорижий тилда берилган реалияга мос келадиган эквивалентнинг мавжуд эмаслиги

2. Аслият тилидаги реалия ифодаловчи маъно, шу миллатга хос миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тўлалигича ифодалашнинг мураккаблиги

Шу нуқтаи назардан реалиялар таржимасида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Аллақачон интернационаллашган реалиялар. Таржимонлар уларни ўз ҳолича таржимасиз қолдириши мумкин.

2. Фақат маълум бир регионга, маълум бир миллатга хос бўлган реалиялар. Улар шу миллатга хос бўлган тушунчаларнигина ифодалаб келадик, агар таржимон бундай ўзига хосликни тушунмай, уни бошқа маъно ифодаловчи сўз билан ўгириб қўйса, асарнинг миллий колоритига, сўз ифодаловчи маънонинг ўзига хослигига путур етказган бўлади. Бундай ҳолларда реалиялар таржимада хорижий тилда берилиб матн остида иқтибосда изохланади ёки она тилида қабул қилинган шаклда келтирилиб матн ичида ёки матн остида изох берилади.

3. Айрим таржимонлар реалияларни матн ичида ўзича қолдириб, жумла контексти ичида унинг изохини келтиришади.

Шундай қилиб, реалияларни таржимада беришда олимлар қуйидаги усулларни илгари суришади:

1. транскрипция;
2. транслитерация;
3. таржима орқали янги сўз – неологизм ҳосил қилиш;
4. сўзма-сўз (калька) таржима қилиш;



5. реалияларни реалия билан таржима қилиш:
6. маъноси яқинлаштирилган сўз билан ўгириш:
7. реалияни изохлаб баён қилиш:
8. контекстуал муқобил билан алмаштириш

каби усуллардан фойдаланиб келинмоқда.

Хулоса. Аслиятдаги миллий ўзига хосликни таржимада акс эттириш масаласи таржимашуносликда артрофлича ўрганилган соҳа. Миллий ўзига хослик деганда маълум миллатга хос, унинг турмуш шароитига, дунёқарашига, маданиятига, кийим-кечагига, уй-рўзғор буюмларига оид тушунчаларни ифодаловчи реалиялар, яъни бир халққа мансуб тушунчалар кўзда тутилади. Бундай ўзига хослик асар персонажининг хулқ-атворида, ўй-хаёлларида, гапирадиган гапларида, мақолларда, хазил-хузулларида, қолаверса асар муаллифининг воқеа ходисаларига муносабатида, баёнида ҳам ўз аксини топади. Шу сабабли ўзига хосликни таржимада тўлақонли акс эттириш асарнинг бадий, эстетик, семантик, стилистик жихатларини иккинчи бир тилда тўлақонли қайта яратиш вазифаларини олдинга суради. Бу таржимондан таржима асари яратилган тилни чуқур билишликни, шу халққа мансуб бўлган миллий ўзига хосликларни, дунёқарашларни, асарнинг бадий эстетик таъсирини таъминловчи барча жихатларини чуқур англашни талаб қилади. Ўзбек таржимашунослик фани асосан рус тилидан ўгирилган бадий асарларнинг адабий танқиди замирида шаклланди,

равнақ топди. Ғарб классик адабиётининг нодир намуналари, жумладан машхур инглиз, француз, немис адибларининг машхур асарлари ҳам ўзбек тилига воситали тил рус тили орқали ўгирилиб келинди ва шу асосда таржима танқидчилиги шаклланди ва ривожланди. Бундай тажриба жараёнида аслиятдаги миллий ўзига хосликни, реалияларни ўзбек тилига таржимаси борасида бой назарий, амалий хулосаларга келинди.

Бироқ тадқиқотчилар рус тили орқали қилинган билвосита таржима асарларида эришилган қатор ютуқлар билан бир қаторда аслият тилини чуқур билмаган рус таржимонлари томонидан йўл қўйилган миллий ўзига хосликларни, реалияларни ифодалашда юз бераётган хато ва камчиликларни ҳам алоҳида таъкидлашмоқдалар. Айни пайтда ўзбек таржимашунослик фанининг асосчиларидан бўлмиш Ғ. Саломов, Н. Владимироваларнинг бу масалага оид махсус тадқиқотлари ҳам билвосита таржима тахлилига, яъни рус тили орқали ўзбекчага ўгирилган асарларнинг қиёсий таржима тахлилига, бу борада юз бераётган хато ва камчиликларга бағишланганлигини кўраимиз. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бевосита инглиз, француз, немис тилларидан ўзбек тилига ўгирадиган таржимонлар авлоди шаклланиб келинапти. Энди таржимашунос олимлар олдида таржима асарларини бир йўла хорижий, рус, ўзбек тилидаги матнларини қиёслаб ўрганиш, шу орқали янгича назарий амалий хулосаларга келиш имкониятлари туғилмода. Бу келажакда таржимашуносликда билвосита ва



бевосита таржима тахлили йўналишида янги тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар очиши мумкин.

Шундан келиб чиққан холда биз ушбу диссертациямизда реалиялар, бу атама ифодалаган маънолар, унинг бошқа синоним сифатида ишлатиладиган атамалардан фарқи ва ўхшаш томонларини, тақдим этаётган классификацияларини, миллий колоритни ифодалашда реалияларнинг ўрнини чуқур ўрганиб, уларни инглиз ёзувчиси Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асарининг аслиятида, рус

тилига таржимасида ва рус тилидан ўзбек тилига таржимасида қиёсий ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Бу ўринда аслиятдаги миллий колоритни ифодаловчи реалияларни русча ва ўзбекча таржималарда берилишини ўрганиш, уларни таржима назариясида шаклланган умумий қоидаларга мослигини таҳлил қилиш, уларнинг лексик-семантик, экспрессив хусусиятларини таржималарда қандай берилишини аниқлаш ишимизнинг асосий вазифаларини ташкил қилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Advanced Junior Dictionary. Fourth edition by E.L.Thorndike, Clarence L.Barnhart. Printed in the USA, 1968.
2. Вакуленко О. Л. Воссоздание авторски преобразованных фразеологизмов в переводе. Теория и практика перевода. 1982.
3. Виноградов А. С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М., 1978
4. Владимирова Н. Миллийликни таржимада ак эттириш муаммоси. Таржима санъати. Т., 1973, б.153
5. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Изд.2, М., 1986
6. Гафурова Г. Некоторые особенности воспроизведения колорита эпохи в художественном переводе. Актуальные проблемы теории художественного перевода. I –II т. М., 1967
7. Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масаласига доир. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. №3-5.
8. Комиссаров В. Н. Слово о переводе. М, 1973
9. Мирзаев И. К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. Ленинград, 1975
10. Репин Б. И. Национально – специфические слова – реалии как особая часть лексики в переводимом произведении. В сб. Теоретические и практические вопросы преподавания иностранного языка, М., 1970.
11. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати. Ўқитувчи нашриёти, 1978.
12. Россельс Вл. Перевод и национальное своеобразие подлинника. В сб. Вопросы художественного перевода. М., 1955
13. Саломов Ф. Тил ва Таржима
14. Содиқова Р. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти. Т., 1972.
15. Суприн А.Е. Экзотическая лексика. Филологические науки. 1958, №2 с.50



16. Уваров В. Д. Материальные и психологические реалии и их значение для перевода. МГПИИЯ, 1972., с. 68
17. Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод.
18. Фёдоров А. В. Основы общей теории перевода. «Высшая школа» М. 1983.
19. Hemingway E. "The old man and the sea". Second edition. Progress publishers. Moscow, 1967
20. Хемингуэй Э. «Старик и море» М., Издательство «Правда», 1989
21. Хемингуэй Э. «Чол ва денгиз» Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1986
22. Хачатурян Н. Реалия и переводимость. Мастерство перевода, 1972, с.42
23. Чернов В. Г. К вопросу передачи безэквивалентной лексики при переводе на англ. язык. Уч. записки МГПИИЯ т. XVI. М. 1958
24. Шахова К. А., Баканов А. Т. Заметки о переводе слов реалии. Теория и практика перевода, 1972. с.93
25. Ruzibaeva, N. (2019). PECULIARITIES OF THE ANTITHESIS IN THE LITERARY TEXT. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 7(11).
26. Miraziz, R., & Oybek, T. (2020). INGLIZ, FRANSUZ VA O'ZBEK SHE'RIYATINI TARJIMA QILISHDA QO'LLANILADIGAN TRANSFORMATSIYALAR. *Oriental Art and Culture*, (V).
27. Raufov, M. M. (2021). ELEMENTARY TRANSFORMATIONS IN SIMULTANEOUS TRANSLATION. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
28. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. *European Journal of Education and Applied Psychology*, (1), 6-8.
29. Shonazarovna, M. V. (2019). Some ways of learning foreign language at an early age. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 7(10).
30. Mirgiyazova, M. M. (2021). THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
31. Umida Pulatovna Khaydarova (2021). Intercultural communication as a pattern of learning content in linguocultural competence. *Academic research in educational sciences*, 2 (1), 783-788.
32. Khaydarova, U. The Use Of Interactive Technologies And Methods In Online Practical Lessons In Uzbekistan During Covid-19 Pandemic. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.
33. Khaydarova, U. (2019). Spiritual, social, philosophical and poetic factors of the detective genre. *Humanities in the 21st century: scientific problems and searching for effective humanist technologies*. 69-72
34. Khaydarova, U., Mustafaeva, N., & Abdurakhmonov, B. (2020). ISSUES ON ENCREASING MOTIVATION IN LANGUAGE LEARNING PROCESS. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(05), 1479-1482.